



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Поёнов Бобир

Тошкент Кимё Халқаро университети

ORCID: 0009-0003-0154-2362

b.poyonov@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларининг ликвидлилик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш механизмини такомиллаштиришнинг хориж тажрибаси асосида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўллари, банк ликвидлигининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда банк ликвидлигини ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Хусусан, мақолада тижорат банклари ликвидлилик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш механизмларининг хориж тажрибасини жорий этиш асосида банклар фаолияти самарадорлигини оширишдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: ликвидлилик кўрсаткичлари, тижорат банки, банк ликвидлиги, ликвидлик, инновация, банк хизматлари, самарадорлик, инновацион хизматлар.

ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЛИКВИДНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Поёнов Бобир

Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. В данной статье будет рассказано о путях повышения эффективности предоставляемых услуг на основе зарубежного опыта совершенствования механизма укрепления показателей ликвидности коммерческих банков, о сущности банковской ликвидности, истории развития и улучшении перспектив развития банковской ликвидности. В частности, в статье представлены существующие проблемы в повышении эффективности банковской деятельности на основе внедрения зарубежного опыта механизмов укрепления показателей ликвидности коммерческих банков, а также авторские рекомендательные подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: показатели ликвидности, коммерческий банк, ликвидность банка, ликвидность, инновации, банковские услуги, эффективность, инновационные услуги.

WAYS TO IMPROVE THE LIQUIDITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS

Poyonov Bobir

Kimyo International University in Tashkent

Abstract. *This article will discuss ways to improve the efficiency of services based on foreign experience in strengthening the liquidity of commercial banks. It will explore the essence of bank liquidity, its history, and future prospects for development. The article presents current problems in improving banking efficiency through the introduction of innovative mechanisms for strengthening liquidity indicators. It also offers recommendatory approaches for addressing these issues.*

Keywords: *liquidity indicators, commercial bank, liquidity, innovative services, banking services, efficiency.*

Кириш.

Банкларнинг ликвидлигини бошқаришга нисбатан Базель қўмитасининг янги талаблари жорий ва узоқ муддатли ликвидлиликни тартибга солишга доир банкларга иккита коэффицентни жорий этишни тавсия қилди. Мазкур коэффицентлар меъёрий даражаси бўйича амалдаги ликвидлилик ҳолатини янада яхшилашга зарурат пайдо бўлади. Бунинг учун банк тизимида депозитлар таркиби ва сифатини ошириш зарурияти туғилади, чунки беқарор манбалар тижорат банкларида ликвидлилик рискинни оширишга хизмат қилади.

Бунинг учун мамлакат банк тизимининг депозит базаси таркибида трансакцион депозитлар салмоғини кескин пасайтириш, 1 йилдан ортиқ муддатга қўйилган миллий ва хорижий валютадаги депозитларни мажбурий захира талабномаларидан тамоман озод қилиш лозим, чунки Базель қўмитасининг ликвидлиликни бошқариш бўйича янги талаблари ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти минимум 100 фоиз миқдорда бўлишни кўзда тутди.

Халқаро банк амалиёти тажрибаси кўрсатдики, банкнинг ликвидлигини бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда ликвидлиликни мустаҳкамлашнинг замонавий усуллари танлаб олиш тақозо этилади, чунки улар банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ келади ҳамда банкнинг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

Айни пайтда жаҳон бозор муносабатларининг шаклланиши шиддат билан кескин ривожланмоқда. Халқаро Базель Қўмитаси банк ликвидлигини кузатиш даврида уни мустаҳкамлашга, глобалликка асосланган ҳолда мустаҳкамлашга ўз эътиборини қаратмоқда. Замонавий технологиялар ва молиявий янгиликлар банклар фаолиятини молиялаштириш, уларнинг ликвидлигини мустаҳкамлашда янги тавсиявий воситалар ишлаб чиқиш, шунингдек, депозитларга нисбатан ишончликнинг пасайиши ёки улгуржи фондларга нисбатан ишончликнинг ортиши, жаҳон молия бозорида муаммоларнинг пайдо бўлиши банкларнинг ликвидлигини мустаҳкамлаш учун янги воситалар ва усуллари ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этди. Шу сабабли банк ликвидлигини мустаҳкамлаш ҳамда ликвидлилик рискининг пайдо бўлишининг олдини олиш ва уни самарали бошқаришга доир Қўмитанинг тавсиявий принциплари ва усуллари бўйича тадқиқот ўтказиш зарурияти мавжуд.

Айни пайтда банк тизимининг ликвидлилик даражасини назорат қилиш орқали эришилаётган самарадорлик кўрсаткичини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, чунки банк тизимининг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлашга, диверсификация ва рақобатбардошлик даражасини оширишга, давлатнинг банк-молия тизимини мустаҳкамлашга, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимида бўлган ишончини ва молиявий

барқарорликни янада оширишга, банкнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантиришга хизмат қилиши мумкин. Шу мақсадда, бугунги кунда хўжалик субъектларига нисбатан банк тизими ликвидлилигининг самарадорлик кўрсаткичини алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банклари тизимнинг ликвидлилик даражасига таъсир қилувчи омиллар тизими унинг молиявий барқарорлиги, ликвидлилиги ва ишончлигини янада ошириш, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестициявий фаолликни рағбатлантириш ҳамда банк ликвидлилик даражасининг оптимал вариантини аниқлаш масаласи долзарб масалалардан саналади. Айнан тижорат банкларининг молиявий салоҳиятни белгиловчи ва уларнинг ликвидлилик даражаси кўрсаткичларига бевосита Марказий банкнинг монетар сиёсати инструментлари орқали таъсир этиб, мазкур кўрсаткичларнинг даражасини ошириш ёки аксинча чеклаш истиқболда уларнинг ликвидлилик даражаси кўрсаткичларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш борасида иқтисодчи олимларнинг қатор ёндошувлари мавжуд, хусусан, Учаев ва Коваленколарнинг (2013) хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда жалб қилинган ресурсларнинг таркиби ва депозит базасининг барқарорлиги муҳим ўрин тутди: асосий депозитларнинг жами депозитлардаги улуши қанчалик юқори бўлса, банкнинг ликвидлилиги ҳам шунчалик юқори бўлади; муддатли ва жамғарма депозитларига талаб қилиб олинadиган депозитларга нисбатан юқори фоиз тўланади; муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоизлар банкларда турлича бўлиб, уларда ҳаракатланишга мойиллик кучли бўлади.

Стародубцеванинг (2014) фикрича, тижорат банкларининг ликвидлилигини банкнинг ликвидли позицияси асосида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда банкнинг ликвидли позицияси деганда унинг пуллик талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбат тушунилади, агар миқозларга бўлган талаб мажбуриятлардан юқори бўлса, ортиқча ликвидлилик ҳосил бўлади; агар мажбуриятлар талаблардан юқори бўлса, ликвидлиликнинг етишмаслиги юзага келади.

Ларионованинг (2016) фикрича, тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда эҳтимолий ёки кутилаётган пул оқимлари муҳим ўрин тутди ва уларнинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

- аниқ ижро этиш муддатига эга бўлмаган шартномалар бўйича пул маблағлари ҳаракати;
- ҳозирча тузилмаган, аммо тузилиш эҳтимоли юқори бўлган шартномалар бўйича кутилаётган пул маблағлари ҳаракати;
- прогноз қилинмайдиган ҳодисалар ва режалаштирилмаган операциялар билан боғлиқ бўлган пул оқимлари (Ларионова, 2016).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйилган талаблар тўғрисида”ги Низомида (2015) “банкнинг ликвидлилиги – бу банк мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш имкониятидир” мазмунидаги фикрни эътироф этади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро банк амалиётида Базель қўмитаси томонидан тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Банк назорати (1998) бўйича Базель қўмитаси “ликвидлилик - бу активларнинг ўсишини молиявий ресурслар билан таъминлаш, сўндириш муддати келган мажбуриятларни йўқотишларсиз бажаришда банкнинг имконияти” мазмунидаги фикрларни тавсия қилади. Ушбу халқаро даражадаги тавсиявий ҳужжатда ликвидлилик атамаси жаҳон банк амалиётига хос таърифланган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Қоралиевнинг (2006) фикрича, «банк ликвидлиги – ўз активларини нақд пул сифатида ишлатиши ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда пул маблағларига тезда айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплай олиш қобилиятидир». Саттаров (2008) «банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келажакдаги мажбуриятлари ва тўловлари, кредит бўйича миқдорлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириш ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлар йиғиндисидир» мазмунидаги фикрни қўллаб-қувватлайди. Тарифларда банкнинг фаолиятига берилган умумий миқдорий баҳо, сифатли тавсиф, активларнинг ўсишини молиявий ресурслар билан таъминлаш, молия бозоридан асосий ва қўшимча ликвидли маблағларни мақбул нархда жалб қилиш, банк рискларини пасайтириш каби параметрлар ҳисобга олинмаган.

Хасянованинг (2012) фикрича, Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан ишлаб чиқилган тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими банкларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини аниқ баҳолаш имконини беради.

Тухтабаевнинг (2007) таъкидлашича муаммоли кредитларнинг тижорат банклари ликвидлигига нисбатан салбий таъсирини илмий жиҳатдан асослаб берган. Унинг илмий хулосасига кўра, муаммоли кредитлар миқдорининг катта эканлиги банклар ликвидлигига салбий таъсир этгани ҳолда, миллий валюта девальвацияси билан муаммоли кредитлар ҳажмининг ўзгариши ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд, яъни АҚШ долларининг сўмдаги расмий курсининг ортиб бориши муаммоли кредитлар улушининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўринадик, ликвидлилик шаклланиш манбаларига кўра, харид ликвидлиги ва тўпланган ликвидликка бўлинади. Бунда харид ликвидлиги деганда, банк томонидан жорий мажбуриятларни бажариш мақсадида пул маблағларини жалб қилиш тушунилади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули тижорат банкларининг ликвидлилик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш механизмини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда ликвидлики таъминлаш асосида банклар фаолияти самарадорлигини ошириш усуллариининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тижорат банкларининг ликвидлигини мустаҳкамлашга ҳалақит бераётган омиллар сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин: *биринчидан*, тижорат банклари филиалларининг ҳудудий кўринишида фаолият юритиши; *иккинчидан*, тижорат банклари томонидан активлардан фойдаланиш учун уларга қўйиладиган таъминот ёки таъминотни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун айланма маблағларнинг етишмаслиги; *учинчидан*, ликвидликини баҳолаш усуллари ва шакллариининг ҳамда уларни татбиқ этиш шартларининг тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиаллари учун ноқулайлиги; *тўртинчидан*, тижорат банкларида мажбурият ижросини таъминлаш шартларида қийинчиликларнинг юзага келиши.

Бундан ташқари, илмий тадқиқот жараёнларида ликвидлилик муносабатлари шундай бир муаммолар таъсир доирасида қолаётганлигининг гувоҳи бўлдики, салбий

омилларнинг таъсири натижасида ликвидлилик амалиётининг самарадорлиги сусайиб, банк фаолиятига унинг банклараро рақобатдаги мавқеига нисбатан салбий таъсири юзага келиб, банкнинг молиявий ҳолатини ёмонлашувига ва фаолиятда иқтисодий узилишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Банкнинг ликвидлиги муносабатларини тартибга солувчи қоидалар амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардаги қоидалар асосида белгиланиб, ликвидлилик кўрсаткичлари унинг асосий принципларига асосланган ҳолда мустаҳкамланаётган бўлса-да, банкларда ликвидлилик самарадорлигининг сусайишига қандай омиллар таъсир этаётганлигини аниқлашда унга таъсир этувчи омиллар ҳаракатининг таъсир доирасини ўрганиш муҳим эканлигини тадқиқотимиз жараёнида асослаб бера олдик, деб ўйлаймиз.

Фикримизча, ликвидлилик кўрсаткичларининг самарадорлиги банк мажбуриятларининг ижросини таъминлашда у ёки бу шаклида эмас, балки ликвидлилик кўрсаткичларини тартибга солувчи амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қоидаларига ходимларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назардан амал қилишига, шунингдек, ҳудуднинг шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда нисбатан енгилроқ муносабатлар самарасини таъминловчи тартиблар ишлаб чиқишига ҳам боғлиқ эканлигини тадқиқот жараёнида асослашга ҳаракат қилиб кўрдик.



1-расм. Ликвидлилик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш механизмини такомиллаштириш йўллари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Мамлакатимизда 2024 йил 1 июль ҳолатига, муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 фоиз бандга ошиб, 4 фоизни ташкил топди. Муаммоли кредитлар улушининг ўсишини муаммоли кредитлар ҳажмининг йиллик ўсиш суръати 55 фоиз бандга ошганлиги ҳамда кредит қолдиғининг йиллик ўсиш сурати 7 фоиз бандга камайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича медианасига нисбатан 1 фоиз бандга юқориқроқ шаклланди.

Шунингдек, банк секторида кредитлар ва депозитлар орасидаги тафовут кичрайиб бормоқда. 2024 йил 1 июль ҳолатига, банк секторида кредитларнинг депозитларга нисбати 186 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23 фоиз бандга пасайган. Бунда, кредитлар қолдиғи 17 фоиз, депозитлар қолдиғи эса 31 фоизга ўсган. 28 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2024). 2024 йил июнь Статистик бюллетень. 24 2024 йил I ярим йиллигида кредитлар ва депозитлар ҳажми орасидаги фарқда кескин ўзгариш кузатилмаган бўлса-да, улар орасидаги фарқнинг абсолют қиймати катталигича сақланиб қолмоқда. 2024 йил 1 июль ҳолатига, кредитлар ва депозитлар орасидаги тафовут 228 трлн сўмни ташкил этган.



2-расм. Банк тизимида муаммоли кредитлар ва эҳтимолий зарарларни қоплашга мўлжалланган захиралар, фоизда

Манба: <https://cbu.uz/> сайти маълумотлари асосида тузилди.

Келтирилган маълумотларга кўра, муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси заифлашган. 2024 йил I ярим йиллиги якунида, муаммоли кредитларнинг қоплаш коэффиценти 30 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38 фоизга пасайган. Шунингдек, 2024 йил 1 июль ҳолатига, захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитларнинг регулятив капиталга нисбати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 фоиз бандга ошиб, 12 фоизга етди. Ушбу кўрсаткичларнинг пасайиш ҳолати банкларнинг кредитлар бўйича йўқотишларга бардошлилигини заифлаштириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги фикрларга асосланиб банкларда ликвидлилик самарадорлигининг пасайиб бориши қуйидаги ҳолатлар таъсири натижаси деган фикрга келдик: *биринчидан*, тижорат банкларининг пасивлари таркибида узоқ муддатли жалб қилинган барқарор депозит маблағлар улушининг салмоғи қисқа муддатли маблағлар улушидан ниҳоятда паст даражада эканлиги. Ушбу омил банк ликвидлигининг самарадорлигига салбий таъсир этувчи асосий омиллардан бири саналади. Маълумки, иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикамизга янги техника ва технологияларнинг кириб келиши, янги бино ва иншоотларни қуриш, янги асбоб-ускуналарни ўрнатиш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатлар учун узоқ муддатли кредитлар тақозо этилади. Бу йўналишларга қисқа муддатли кредитларни йўналтириш банкларнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки улар учун ушбу кредитлар узоқ муддатли кредитларнинг ролини бажара олмайди.

Иккинчидан, тижорат банкларининг активлар таркибида муддати ўтган қарздорликлар салмоғининг ортиб бориши. Тижорат банкларининг активлари таркибида муддати ўтган активларнинг ортиши ва уларга кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг шакллантирилиши таснифланган активларнинг таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради. Мазкур омил ликвидлиликнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири саналади, чунки, хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходимлари томонидан тайёрланган кредит ҳужжатлари йиғмажилди доимо қўшимча назорат қилиш тақозо этилади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва, энг асосийси, хўжалик субъектлар билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги, малака ва тажрибасиз ходимларнинг хулосаси асосида кредитларнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодир бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларга кредит ажратилишига олиб келмоқда.

Банклар фаолиятида кредитлашнинг тармоқлараро хусусиятига қараб кредитлашнинг шакл ва усуллари бир-биридан фарқ қилиши ва бу фарқланишлар асосида иш юритиш учун банкларда сифатли ходимлар масаласини ҳал этиш зарур. Масалан, кредит амалиётларини қандай шакл ва усулларда амалга оширмасин кредитлашнинг таъминланганлик, тўловлилик, муддатлилик, мақсадлилик ва, ниҳоят, қайтарилиш принциплари асосида амалга оширилади. Аммо кредит амалиётининг амалга оширилиши жиҳатидан бир хил принципга эга бўлса-да, халқаро молиявий инқироз сабабчиси деб ҳисобланаётган кредитлашнинг «ипотека» шакли, хусусиятига кўра, кредитлашнинг бошқа шакл ва усулларида сезиларли даражада фарқ қилади.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Basel Committee on banking supervision. (1998) *International convergence of capital standards*. – Basel, <http://www.bis.org.publications>.

Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев (2006) *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми*. – Тошкент: Академия, - Б.98-99.

Ларионова И.В. (2016) *Управление ликвидностью в коммерческом банке на основе денежных потоков. Банковский менеджмент. 5-е изд.* – М.: КНОРУС, – С. 170.

Низом (2015) *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14 - сонли ("Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2015. № 32, 141-152-б.*

Саттаров О.Б. (2008) Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, – 18 б.

Стародубцева Е. Б. (2014) Основы банковского дела// –М.: Инфра-М, – С. 132.

Тухтабаев У.А. (2007) Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, – Б. 15-16.

Учаева Е.А., Коваленко О.Г. (2013) Оценка ликвидности коммерческих банков по нормативам ликвидности Центрального Банка России // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. № 1 (12). –С. 136.

Хасянова, С. Ю. (2012) О системе оценки финансовой устойчивости банковского сектора//Финансы и кредит. – № 12. – С. 24–25.